



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

« 27 » Июль 2021-у.

№ 03-03/01-3450 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-ж.

Барлық қала хәм районлық халық  
билимлендириў бөлими баслықлары  
хәм де республикалық бойсыныўдағы  
билимлендириў мәкемелери  
директорларына

Сизге, Өзбекстан Республикасы Олий Мажлиси Сенатының  
2021-жыл 25-июльдеги “Мәхәллелердеги жағдай, хаяллардың хуқық хәм  
мәплерин қорғаў, ис билерменликти қоллап-қуўатлаў, халық бәнтлигин  
тәмийинлеў мәселелери ҳаққында”ғы СҚ-325-IV-санлы қарары  
басшылыққа алыў хәм орынлаў ушын жибермекте.

*Қосымша 4 беттен ибарат.*

Министр орынбасары

Ш.Тажимуратов

Орынлаўшы: Р.Танирбергенов  
Тел: 61-222-24-29



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАЙСИ  
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН RESPUBLIKASЫ  
МИНИСТРЛАР КЕНЕСИНИНГ БАСЛИҒЫ

Н.Ерлесовга  
С.Турмановга  
М.Жумановга  
(М.Ахмедова)га

Маҳалла ва оялани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов)га  
ИИВ (А.Темирханов)га

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Якубов)га  
ҚР Диллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш

қўмитаси (А.Жарасбаев)га

Маданият вазирлиги (Қ.Турдиев)га

Халқ таълими вазирлиги (Р.Реймов)га

Мақтабгача таълим вазирлиги (Ж.Уснатдинова)га  
“ҚҚ телерадиокомпанияси”га

Шаҳар ва туманлар ҳокимлиқларига

Раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 25 июндаги  
СҚ-325-IV-сон қарори, шу жумладан 9; 11; 12-бандлари  
ижросини таъминлаш юзасидан \_\_\_\_\_ кун муддатда  
чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлашга тақдим  
этишингизни ва бажарилишини таъминлашингизни  
сўрайман.

Бажарувчи: Г.Бахиева


Б.Аймбетов

А.Уразимбетов

Назорат: Р.Рисназаров

Қ.САРИЕВ  
06.07.2021й.

№ 2/110



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING  
QARORI

Маҳаллалардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини  
ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли  
бандлигини таъминлаш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Хотин-қизлар  
муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-  
қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан маҳаллалардаги  
ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва соҳага оид белгиланган  
чора-тадбирларнинг ижро этилишини ўрганилди.

Мазкур йўналишларда, жумладан, хотин-қизларни манзилли  
қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни аниқлаш, уларни  
манзилли қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий қилинган.


Ушбу йўналишда давлат ҳокимияти органлари ўртасида идораларо  
самарали ишлаш механизmlарини жорий қилиш мақсадида Хотин-  
қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш бўйича республика  
комиссияси ташкил этилиб, унинг таркибига 21 та вазирлик ва идора  
раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича  
14 нафар маслаҳатчиси киритилган.

Ўз навбатида, “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали 2020 йилнинг  
октябрь-декабрь ойларида 6,5 миллиондан ортиқ хонадонга ташриф  
бўрилиб, хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сонли қарори  
билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини  
тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш  
бўйича Вақтинчалик тартиб тасдиқланган.

2021 йилнинг январь ойида “Аёллар дафтари”га киритилган жами  
432 781 нафар хотин-қизнинг рўйхати халқ депутатлари туман  
ва шаҳарлар Кенгашиларининг сессияларида тасдиқланган ҳамда январь-май  
ойларида уларнинг 430 275 нафарига (99,4 фоизига) амалий ёрдам  
кўрсатилган.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш  
чора-тадбирларини молиялаштириш, жумладан, саёҳатларни ташкил  
этиш учун жами 1 трлн 114,6 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.



QR XALIQ BILIMLENDIRIW  
MINISTRILIGI  
KRIS № 791  
“07” 07 2021 jil



QR XALIQ BILIMLENDIRIW  
MINISTRILIGI  
KRIS № 791  
“07” 07 2021 jil

Онкологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида 300 893 нафар хотин-қиз одам папилломаси вирусига қарши эмланган. Туғиш ёшидаги 4 млн 13 329 нафар аёл чуқурлаштирилган тиббий кўриклдан ўтказилган. Барча маҳаллаларда (9 228 та) "Аёллар маслаҳат кенгашлари" фаолияти йўлга қўйилган ҳамда зарур шароитлар яратилган.

Ижтимоий химояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабга таълим ташкилотларига имтиёзли навбат асосида қабул қилиш, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёлларга фарзандини мактабга таълим ташкилотлари учун тўлов харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилган.

Хотин-қизларнинг муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли "ишонч телефони" та келиб тушган 80 мингга яқин мурожаатнинг 97 фоизи ҳал этилган ва қолганларининг ижроси назоратга олинган.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда фаол иштирок этиб, жонбозлик кўрсатган 600 дан ортиқ масъул ходимлар Республика комиссияси томонидан рағбатлантирилган.

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга кўрсатилган тегишли амалий ёрдамлар ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш натижасида 357 998 нафар хотин-қиз халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари қарорлари асосида "Аёллар дафтари"дан чиқарилган.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш бўйича айрим камчиликлар кузатишмоқда.

Биринчидан, вазирлик ва идораларнинг вертикал тизими самарали ишламаслиги, қолаверса мутасадди идора ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаганлиги натижасида "маҳаллабай" ишлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Хусусан, "Аёллар дафтари" бўйича ёрдам олган хотин-қизлар сонини асосез равишда ошириб кўрсатиш, муҳтож аёлларга ёрдам кўрсатилгани тўғрисида сохта маълумотлар шакллантириш ҳолатлари кузатишмоқда. Жумладан, ҳисоботларда "ёрдам беришди" деб кўрсатилган хотин-қизлардан 3 556 нафарига амалда ёрдам кўрсатилмаган.

Ёрдамга муҳтож фуқаролар "Аёллар дафтари"га киритилиши, улардан чиқарилиши жараёнларида Вақтинчалик тартиб талаблари бузилган.

Шунингдек, хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида ҳам қатор муаммолар учрамоқда. Барча ҳудудларда оғир операцияга муҳтож беморларга оддий дори-дармон бериш орқали уларни "Аёллар дафтари"дан чиқариш ҳолатлари учрамоқда.

Қолаверса, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни соғломлаштириш ишлари тизимли ташкил қилинмаган.

Бундан ташқари, жойларда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур моддий-техник базани яхшилаш чораларини кўриш лозим. Жумладан, республика бўйича тиббиёт муассасаларида жами 7039 та, хусусан, вилоят перинитал марказларида 212 та, Болалар кўп тармоқли

тиббиёт марказларида 162 та, Болалар шифохоналарида 143 та, туғуруқ комплексларида 319 та тиббий анжом ва жиҳозлар етишмайди.

Иккинчидан, "Аёллар маслаҳат кенгашлари" фаолиятида ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Айрим "Аёллар маслаҳат кенгашлари"да фаолияти учун старли шароитлар яратилмаган, улар тегишли жиҳозлар билан таъминланмаган.

Учинчидан, айрим туман (шаҳар)ларда ёрдамга муҳтож хотин-қизларни "Аёллар дафтари"га киритиш ва чиқариш жараёнларида Вақтинчалик тартиб қондаларига тўлиқ риоя қилинмаган.

Тўртинчидан, баъзи туман (шаҳар)ларда психологик ёрдамга муҳтож аёллар билан суҳбатларни асосан халқ таълими тизимдаги хали етарли малака ва билимга, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган психологлар ўтказган. Шу билан бирга, руҳий муаммолари мавжуд инсон узок муддатли психологик курсларга муҳтож бўлса-да, кўрсатилган психологик ёрдам бир марталик характерга эга.

Бешинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар тизимли ташкил қилинмаган. Ишсизлар учун тақлиф этилаётган вақансия тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражаси паст. Маҳаллаларда ишсиз аҳоли бўш иш ўринлари ҳақида хабардор қилинмайди. Бу йўналишда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Шунингдек, аҳолини касбга ўқитиш бўйича ўқув курсларига жалб этиш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш самарадорлиги паст.

Олтинчидан, аҳоли, жумладан аёлларни тадбиркорликка жалб қилишга етарли эътибор берилмаган.

Жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий драйвери бўлган кредитлаш жараёнида қўллаб қамчиликлар учрамоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларни ўқитиш, бизнес режаларни тузиш ва амалга ошириш, уларга кредитлар ажратиш ва тўғри сарфланиши, хунармандчилигини назорат қилиб бориш бўйича вақолатли ташкилотлар (*Маҳалла, Бандлик, Саёдо-саннат палатаси, "Хунарманд" уюшмасининг ҳудудий бўлиmlалари*) ўртасида ўзаро ҳамкорлик етарли даражада эмас.

Ўрганилган ҳудудларнинг деярли барчасида хотин-қизлар фаолият юритиладиган хунармандчилик турларига ихтисослашган кластерлар бўйича ишлар бошланмаган.

Юқорда баён этилганларга асосан "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси раҳбари Қ.Рафиковнинг хотин-қизларга "Аёллар дафтари" орқали амалий ёрдам

берилш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**  
**икки hafta** муддатда “Аёллар дафтари” ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини хал этиш ва уларни иқтисодий кўллаб-қувватлаш бўйича Вактинчалик тартиб асосида хотин-қизларга кўрсатилган амалий ёрдам нагжаларини қайта ўрганиб чиқсин ва аниқланган муаммоларни бартараф этсин;

ушбу ишларни амалга оширишда масъулиятсизлик ва камчиликларга йўл қўйган мутасадди раҳбарларга нисбатан тегишли таъсир чораларини кўрсин ҳамда намунали фаолият олиб борган масъуллар ва ходимларни рағбатлантирсин;

**бир ой** муддатда “Маҳаллабай” ишлаш тизими ва аҳолига иқтисодий ёрдам кўрсатишда вазирилик ва идораларнинг вертикал тизими самарали ишлашини таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин;

**2021 йил 1 августга қадар** “Аёллар дафтари”га киритилган ва амалий ёрдам кўрсатилмаган хотин-қизларга тегишли ёрдам бериш ишини ташкил қилсин;

маскур Қарорнинг ижроси юзасидан умумлаштирилган маълумотли **2021 йилнинг 1 октябрга қадар** Олий Мажлис Сенатига киритсин.

**3. Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги:**  
 ўн кун муддатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда “Аёллар дафтари” ни юритиш бўйича автоматлаштирилган ҳамда интеграциялашган ягона электрон платформани ишга туширсин;

**икки hafta** муддатда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини бошпамоқчи бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш, уларни ўқитиш, бизнес режаларни тузиш ва амалга ошириш, уларга кредитлар ажратини ва уларнинг тўғри сарфлашини, хунармандчилигини назорат қилиб бориш бўйича ўзаро ҳамкорлик режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

**ўн беш кун** муддатда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда тегишли тақшилотлар билан биргаликда “Аёллар маслаҳат кенгашлари” жойлашувини қайта кўриб чиқсин ҳамда аҳоли учун қулай жойлашувини ҳисобга олган ҳолда дислокациясини қайта тасдиқласин;

**бир ой** муддатда Адлия вазирлиги ҳамда масъул ташкилот ва идоралар билан биргаликда оилавий психологлар хизматини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин;

**бир ой** муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан манзилли ва натижага қаратилган, шунингдек бу борада эришилгани лозим бўлган

аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгиллаган ҳолда қисқа ва узоқ муддатли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда ижросини таъминласин;

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳарда қизларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган “Бибиҳоним мактаблари” ни ташкил этиш ишларини якуниласин ҳамда ишга туширсин;

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **2021 йил 1 ноябрь кунига қадар** камда 50 минг хотин-қизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёхатларини ва дам олишларини ташкил этсин. Бунда саёхатнинг асосий қисми иқлим шароити саёхат учун қулай бўлган ойларида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилсин ҳамда саёхат билан боғлиқ харажатлар “Саховат ва кўмак” ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

#### 4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

**ўн кун** муддатда “Аёллар дафтари”га киритилган оғир жарроҳлик амалиётига мухтож хотин-қизларни зудлик билан даволаш чораларини кўрсин;

**2021 йил якунига қадар** 9 млн хотин-қизни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, жумладан онкологик касалликлари аниқланган беморларни даволаш ишларини режага мувофиқ амалга оширсин ҳамда оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларида “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими”, “Қизлар саломатлиги маркази”, “Перинатал скрининг хонаси” тузилмалари хизматини ташкил этиш бўйича натижага қаратилган аниқ чоралар кўрсин.

**5. Ички ишлар вазирлиги бир ой** муддатда тегишли ташкилот ва муассасалар билан биргаликда жиноятчилик, жумладан, хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик ҳолатини туқур таҳлил этиб, уларнинг олдини олиш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли тадбирлардан иборат дастур ишлаб чиқсин ҳамда қабул қилсин.

**6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** Жиззах, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан бирга **йил давомида** Зомин, Бўстонлик, Ургут, Китоб, Шаҳрисабз, Чортоқ туманларида 50 гектардан майдонда зафарон ўсимлигини экиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрсин.

**7. Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси**  
**2021 йил якунига қадар** пиллачилик тармоғида 101 та, қорақўлчилик соҳасида эса 175 та лойиҳани ишга тушириш бўйича қатъий чоралар кўрсин, лойиҳаларни ишга туширишда мuddат ва сифатга ҳамда ишга туширилгандан сўнг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни ишга қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Маданият, Халқ таълими ва Мақтабгача таълим вазирликлари умумий ўрта ва мактабгача таълим ташкилотларида аждодаларимиз, синлар сўймосини акс эттирувчи спектакллар намойиши мунтазам ташки этиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари:

Ўрганиш натижалари юзасидан ҳар бир ҳудуд бўйича қабул қилинган "йўл харитаси" ижросини қатъий таъминлаш чораларини кўрсин ва ижро ҳолати бўйича Олий Мажлис Сенатига ҳар чорақ якунида ахборот киритсин;

"Аёллар маслаҳат кенгашлари" фаолияти учун зарурий хоналар ажратилиши ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланишини яқунласин.

10. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига оилавий ажримлар сонини камайтириш мақсадида "Аёллар маслаҳат кенгашлари" орқали хотин-қизлар, қайноналар орасида тарбия, ўзаро хурмат ва оила маънавиятини тарғиб этиш ишларини мунтазам ва манзилли олиб бориш тавсия қилинсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар Кенгашларига:

"Аёллар дафтари"ни юритиш, ушбу дафтарга киритилган хотин-қизлар рўйхатини тасдиқлаш ва рўйхатдан чиқариш, уларга ўз вақтида ва сифатли тарзда амалий ёрдам кўрсатиш, ёрдамнинг ҳаққонийлиги бўйича қатъий назорат олиб бораи;

ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори ижроси юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳамда танқидий муҳокама қилиш тавсия этилсин.


12. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар Кенгашларининг "Аёллар дафтари" бўйича ўтказиладиган сессияларини ёритиш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қўмиталари мазкур Қарорда белгиланган вазифаларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ижро этилишини назорат қилсин.

14. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Т. Нарбаева



Тошкент шаҳри,  
2021 йил 25 июнь,  
№ СҚ-325-IV.